

Умавийлар давридаги фатҳлар



10:03 / 24.02.2025 1218

Умавийлар даврида фатҳлар уч жабҳада олиб борилди.

Кичик Осиёда румликларга қарши фатҳлар

Бу фатҳлар жуда кенг кўламли бўлиб, Қустантинияни, Ўрта ер денгизидаги баъзи оролларни фатҳ қилиш орқали амалга ошди.

Шимолий Африкадаги фатҳлар

Бу Атлантика океанигача етиб борди. Ниҳоят, Жабали Ториқ номли жойдан ҳам ўтиб, Испаниягача етди.

Шарқий жабҳа

Шарқ томонда Ироқ, ундан кейин шимолга қараб Мовароуннаҳр, жануб тарафлар, Синд юртлари фатҳ қилинди.

Бироқ Бану Умайядан кейин Ислоннинг кенгайиши тўхтаб қолди. Аббосийлар давлати ҳарбий жиҳатдан ривожлана олмади, бир қадам ҳам олдинга силжимади. Ислон дини даъватчилар, тожирлар фаолияти ёрдамида узоқ юртларга тарқалишда давом этди, лекин ҳарбий жиҳатдан юксалиш бутунлай тўхтаб қолди. Бу соҳадаги кенгайишлар кейинчалик, ғазнавийлар ва усмонийлар даврида яна олдинга силжий бошлади.

«Ислон тарихи» иккинчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 14 мартдаги 03-07/1733-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.